

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВ КАМОЛ ЖЎРАЕВИЧ

КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ТЕХНОГЕН ЧИҚИНДИЛАРИНИ
ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРДАН
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

05.02.01. - Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хакимов Камол Жўраевич

Кон металлургия саноати техноген чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини яратиш ва улардан оқилона фойдаланиш..... 3

Хакимов Камол Жўраевич

Разработка и рациональное использование технологии переработки техногенных отходов горно-металлургической промышленности..... 21

Khakimov Kamol Juraevich

Development and rational use of technology for processing industrial waste from the mining and metallurgical industry.....37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....40

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР ҚОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК- ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВ КАМОЛ ЖЎРАЕВИЧ

**Кон - металлургия саноати техноген чиқиндиларини қайта ишлаш
технологиясини яратиш ва улардан оқилона фойдаланиш**

**05.02.01. - Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Т2093 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Хасанов Абдурашид Солиевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Камолов Турсунбой Очилович**
техника фанлари доктори

Шарипов Хасан Турапович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Миллий технологик тадқиқотлар университети**
«МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиали

Диссертация ҳимояси Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» ДУК ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «03» февраль соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: www.gupft.uz «Фан ва тараққиёт» ДУК биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» ДУКнинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати 2022 йил «19» январь куни тарқатилди.
(2021 йил «13» декабрдаги № 33-21 -рақамли реестр баённомаси).



С.С. Негматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎзРФА академиги, т.ф.д., профессор

М.Э. Икратова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

А.М. Эминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида XXI асрнинг ривожланиш стратегияси «Барқарор ривожланиш моҳияти» деб ном олган бўлиб, иқтисодиётнинг ривожланиши - биосфера барқарор мувозанатини бузмаган ҳолатда, табиий иқлимни ва ривожланиб бораётган муҳитни бузмаган ҳолатда олиб борилишини назарда тутди. Бу ўринда, техноген чиқиндилар жаҳон иқтисодиёти барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммо сифатида қаралиб, техноген чиқиндиларни ҳосил қилувчи етакчи корхоналар сифатида рангли металлургиянинг энг жадал ривожланувчи соҳаси мис, олтин ва кумуш ишлаб чиқариш саноати пешқадамлик қилади. Бунда техноген чиқиндиларни қайта ишлаб рангли ва нодир металлларни ажратиб олиш технологияларини яратиш ҳамда амалиётга қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда олтин ишлаб чиқарувчи етакчи давлатлар техноген чиқиндиларни қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича кенг миқёсдаги тадқиқотларни олиб бормоқда. Олтин ва кумушни қайта ишлаш технологияси ҳозирда гравитация усулида бойитиш жараёнларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада металлургия саноати техноген чиқиндиларидан олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш жараёнида қолдиқ маҳсулот таркибида қимматбаҳо компонентлар миқдорини камайитириш кон-металлургия саноати амалиётида алоҳида аҳамиятга эга.

Республикада тоғ-кон металлургия саноати барча қимматли компонентларни комплекс ажратиб олиш мақсадида минерал хом ашёни, ҳусусан, техноген чиқиндиларни қайта ишлашнинг такомиллашган ва янги технологияларни ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилиб, давлат стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи бандида «...саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Олмалиқ кон металлургия комбинати АЖ техноген чиқиндиларидан нодир металлларни ажратиб олишнинг янги технологияларини яратиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПФ-3145-сон «Фойдали қазилмалар конларини саноат йўли билан ўзлаштириш соҳасидаги лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишлари бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонида, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ 4401-сонли «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

такомиллаштириш ва хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора – тадбирлари туғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ 4477 – сонли, «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси «яшил» иктисодиётига ўтиш стратегиясини тасдиқлаш туғрисида»ги қарорлари ҳамда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олтин таркибли техноген чиқиндилар, уларни бойитишда гравитацион технологияларни қўллаш ва ундан олтин таркибли гравитацион бойитма олиш бўйича илмий ишланмалар ривожига қуйидаги олимлар ўзларининг хиссаларини қўшганлар: В.Н. Шохин, А.Г. Лопатин, М.Д. Барский, В.П.Быстров, С.С. Набойченко, С.И. Митрофанов, С.М. Кожажметов, М.С. Благов, И.Н. Плаксин, П.В. Ляшченко, С.И. Полкин, Э.В. Адамов, К.А. Разумов, И.В.Шадрунова, О.В.Замятин, С.А.Квятковский, С.С. Негматов, Қ.С Санақулов, А.А. Юсупходжаев, М.М. Муталова, С.А. Абдурахмонов, О.М. Мустақимов, А.С. Хасанов, Э.А. Пирматов, Х.А. Аҳмедов, Х.Т. Шарипов, Ш. Даминова, М.Г. Сағдиева, А.Н. Шодиев, Б.Т. Бердияров ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Мавжуд ишларни таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш керакки, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш орқали, нодир ва рангли металлларни ажратиш олиш бўйича барча таклиф қилинган тадқиқот ишлари, чиқиндилар таркибидаги тўпланган олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металлларнинг миқдорини камайтириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб борилган. Шу билан бир қаторда техноген чиқиндилар таркибидан олтин ва бошқа қимматбаҳо компонентларни кейинчалик қайта ишланмайдиган миқдоргача ажратиш олиш муаммоси тўлиқ ўрганилмаган. Ушбу диссертация техноген чиқиндилар таркибидан мис, олтин, кумуш ва қимматбаҳо металлларни ажратиш олиш учун қулай шароитлар яратиш каби муаммоларни ҳал қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонасининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ №02 – 2088 «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси ўртасидаги «Олтин ишлаб чиқаришнинг чиқиндисиз, энергия - ва ресурс тежамкор экологик тоза технологиясини қўллаш» ва № 1/05.2021 - сонли «На проведение лабораторных испытаний» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кон металлургия саноати техноген чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини яратиш ва улардан оқилона фойдаланишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оксидланган маъдан намуналарининг минерал таркиби ва унинг кимёвий, физик хусусиятларини ўрганиш орқали металлларни синфлар бўйлаб тақсимлаш билан дастлабки чиқиндиларни тўлиқ элакли илмий таҳлил қилиш ва унинг қонуниятларини аниқлаш;

тажриба натижасида маъдандаги нодир металлларнинг эритмага ўтиш, кислота сиғими, унинг сарфи учун мақбул омилларини тадқиқ қилиш;

гравитацион усул билан Чодак конидаги эски техноген чиқиндиларнинг эрувчанлик даражаси ва бирикмадан ажратиб олиш хусусиятларини ва унинг фазавий таркибини илмий тадқиқ этиб тузилиши, цианда эриш даражаси ва кимёвий хоссалари орасидаги боғлиқликни аниқлаш;

гравитация усули билан олтин ва кумушни ажратиб олишга асосланган технологияни яратиш ва уни тажриба-саноатда синаб кўриб, энг мақбул омилларини қўллаш;

чиқиндиларни гравитацион усулда бойитишнинг асосий технологик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва технологик регламент яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Қалмоққир» кони балансдан ташқари 9-уюмдаги оксидланган рудалар ва Чодак кони олтин бойитиш фабрикасининг қолдиқ техноген чиқиндилари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Қалмоққир кони балансдан ташқаридаги оксидли рудани аналитик таҳлил этиб ундан мис, олтин ва кумушни ажратиб олиш ва Чодак кони консервация қилинган техноген чиқиндиларини гравитация жараёнини қўллаган ҳолда нодир металлларни ажратиб олиш технологияларни яратиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий комплекс тадқиқот усуллари рентгенофазавий таҳлил, геологик-технологик хариталаш усуллари, тажриба саноат синовлари, гранулометриқ таҳлил, пробиркали, кимёвий, минерологик ва фазали таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оксидланган балансдан ташқари рудаларни қайта ишлаш технологияси яратилган ва консервация қилинган техноген чиқиндилардан нодир металлларни ажратиб олиш технологиясини қўллашнинг назарий ва илмий имкониятлари асосланган;

балансдан ташқари оксидли рудани қайта ишлашнинг кислота сарфига боғлиқ ҳолда энг мақбул технологик омиллари ва гидрометаллургик технологияси ишлаб чиқилди;

эски консервация қилинган олтин таркибли техноген чиқиндининг кимёвий ва минерологик таркибидаги олтинни нано ва микро зарраларининг гранулометриқ таркиби, майинлиги илмий асосланган ҳолда гравитация ва цианлаш натижасида ажратиб олиш имкониятлари ишлаб чиқилган;

гравитация усулининг асосий технологик омиллари илмий асосланиб, унинг жараёнга таъсир этувчи қонуниятлари ишлаб чиқилган;

олтин таркибли эски техноген чиқиндидан олтин ва кумушни ажратиб олишнинг энг мақбул гравитацион технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оксидланган рудалар таркибидаги керакли компонентлар ва рангли нодир металлларнинг кинетик хусусиятлари аниқланган ва улардан ажратиб олиш усуллари тажрибада синаб кўрилиб, мақбул усул танланган;

оксидланган балансдан ташқари рудалардан рангли ва нодир металлларни ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқилган;

Чодак кони эски техноген чиқиндидан нодир металлларни ажратиб олиш гравитация технологияси яратилган;

Чодак кони эски техноген чиқиндидан олтинни ажратиб олиш даражаси 75% гача ва кумуш 78% гача кўтарилиб, таркибида 3,5-5 г/т гача бўлган олтин ҳамда 18-28 г/т гача кумушли бойитма олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги етарли даражада ўтказилган лаборатория ва ярим-саноат тажрибалари, хар иккала тавсия этилган жараёнда ҳам мисли оксидли рудаларини қайта ишлаш ҳамда Чодак кони техноген чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясидаги дастлабки хом ашё ва кейинги бойитманинг минералогик, кимёвий, физикавий ҳамда фазавий тахлиллари, тадқиқотлар натижасида олинган бойитма таркибида олтин ва кумушнинг юқори концентрацияси ва қолдиқ маҳсулот таркибида олтин ва бошқа қимматбаҳо компонентларнинг минимал даражада қолиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича барча олинган натижалар жадвал, диаграмма, фазовий тахлиллар ҳамда график усулларида ўрганилиб, у жараёнга таъсир қилувчи барча асосий технологик омилларнинг муқобил варианты ишлаб чиқилди ва назарий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган техноген чиқиндиларни қайта ишлаш борасидаги олинган натижалар ойига қўшимча равишда мис, 3 кг дан ортиқ олтин ва 20 кг дан ортиқ кумуш олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кон металлургия саноати техноген чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини яратиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қалмоққир кони балансдан ташқари оксидли рудалардан мис ва нодир металлларни ажратиб олиш технологияси «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ нодир металллар ажратиб олиш жараёнида жорий этилган («Олмалик КМК» АЖнинг 2021 йил 9 декабрдаги №АС-010095-сон маълумотномаси). Натижада мисни эритмага ўтказиб, ундаги олтин ва кумушни гравитация усули билан қайта бойитиш ва тозалаш усуллари орқали гравитация бойитма ва қолдиқ чиқиндини олиш имконини берган;

Чодак конига қарашли техноген чиқинди таркибида ўртача олтин – 0,67 г/т ва кумуш 13 г/т бўлган, устки қисми консервация қилинган, чиқиндиларни қайта ишлаш технологияси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ нодир металлларни ажратиб олиш жараёнида жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 9 декабрдаги №АС-010095-сон маълумотномаси). Натижада Чодак кони чиқиндиларини гравитацион бойитишда 1 йилда қўшимча 98 кг олтин ва 108 кг кумуш металлларини ажратиб олиш, чиқиндиларни қайта ишлаш орқали чиқиндилар таркибидаги олтинни 0,13 г/т га ва кумушни 1,3 г/т гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ҳамда 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 2 та республика ва 5 та ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланиш бўйича тавсиялар, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

«Техноген чиқиндилар ва балансдан ташқари рудаларни қайта ишлашнинг замонавий ҳолати» деб номланган биринчи бобда техноген чиқиндиларни комплекс қайта ишлаш ва уларнинг таркибидан олтин, кумуш, рангли ва ноёб металлларни ажратиб олиш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммолари, Олмалиқ кон – металлургия комбинати АЖда техноген чиқиндиларни батафсил илмий тадқиқот қилиш учун балансдан ташқари “Қалмоққир” рудаларини ўрганиб чиқилганлиги, оксидланган рудалар ҳақида батафсил маълумот берилган.

Фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг кўпайиши гравитация усулида бойитиш усуллариининг ривожланишига асос бўлди. Полиметалл ва таркибида олтин сақловчи рудаларни қайта ишлашда бошқа бойитиш жараёнлари билан бир қаторда гравитация жараёнларнинг роли ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб

бормокда. Ҳозирда гравитация жараёнларни такомиллаштиришга катта эътибор берилмокда. «Механобр инжиниринг» АЖ, «Гинтцветмет», «Гипронискел институти» МЧЖ, «НИИИПИ ТОМС» МЧЖ, Оутотес «(Финляндия), ОАЖ» Геология фанлари маркази; «Бойитиш металлургияси» (Қозоғистон), «Ўзгеорангметлити», Тош ГТУ қошидаги «Фан ва тарағиёт» давлат унитар корхонаси (Ўзбекистон), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология кўмитаси хузуридаги «Минерал ресурслар институти» ва «Иргиредмет» (Россия Федератсияси), «Метсо» компаниялари илмий-тадқиқот институтлари томонидан юқори илмий даражада илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ишлари олиб борилмокда.

Диссертациянинг иккинчи «Тадқиқот объекти ва усуллари» бобида тадқиқотнинг объектлари сифатида «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ га қарашли, «Қалмоққир» кони балансдан ташқаридаги 9-уюмдаги оксидланган рудалар ва Чодак кони олтин бойитиш фабрикасининг қолдиқ техноген чиқиндилари танланган. Олмалик кон-металлургия комбинати АЖ конларида балансдан ташқари оксидли, сульфидли ва аралаш маъданлар 65,4°млн т. ортиқ хажмда жойлашган бўлиб, илмий тадқиқотимиз 9 чиқинди уюми ва Чодак конига қарашли чиқинди омбори бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилди. Илмий иш бўйича бажарилган тадқиқот натижалари бўйича шу нарса аниқландики, «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ уюмларида ва Чодак конига қарашли техноген чиқиндилар таркибидан мис, олтин ва кумушни ажратиб олишда ва қайта ишлаш технологиясидан фойдаланилган.

Шунга боғлиқ ҳолда, геологик – технологик хариталаш намуналарини тадқиқ қилиш кўрсатилган технологияни қўллаган ҳолда олиб борилди.

«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ га қарашли оксидланган рудаларининг 1 та ташкил этувчи геологик – технологик хариталаш бўйича илмий тадқиқот олиб борилди. № 9 уюмининг намуналар тавсифи 1-жадвалда берилган. Олмалик кон-металлургия комбинати АЖ даги оксидланган маъданлар намуналаридаги маъдан ҳосил қилувчи элементлар темир ва олтингургурт билан ифодаланган. Темир миқдори 4,0-7,10% миқдорда бўлади.

Оксидланган шаклдаги темир кўп. Олтингургуртнинг масса улуши 0,20-2,2% ташкил этади. Оксидланган маъданларда асосий қимматбаҳо компонентлар мис ва олтин ҳисобланади. Намуналарда мис миқдори 0,120-0,7% чегараларда бўлади. 9 - уюм намуналарида Си деярли тўлиқ оксидланган шаклда бўлади, 92,0-95,0% ташкил этади. Айрим намуналарда сульфидли ва оксидланган Си нисбатан тенг ўзаро нисбатда бўлади.

1-жадвал

№ 9 чиқинди уюмидан олинган намуна таснифи

Уюм номи	Руда захиралари, минг. т*	Уюмлардаги оксидланган маъданларнинг умумий захира улуши	Намунанинг ҳақиқий массаси, кг
№ 9	3806,1	5,9	100,0

«Қалмоққир» конининг руда намунасида рангли металллар орасида мис 0,175% миқдорда аниқланган. 2-жадвалда маълумотлари бўйича шу нарса

аниқландики, мис 60% сульфидли шаклда ифодаланган, 48% мис оксидланган шаклда бўлади, бу мутлак миқдорда 0,09% ташкил этади.

2-жадвал

Балансдан ташқари маъдан намунасида миснинг фазавий таҳлили

Миқдори	Мис шакллари				Жами
	Сульфидли		Оксидланган		
	Бирламчи	Иккиламчи	Боғланган	Эркин	
Мутлак,%	0,085	0,010	0,019	0,053	0,164
Нисбий,%	50,8	7,0	12,0	30,2	100,0


Балансдан ташқари маъдан намунасидаги олтин ва кумуш миқдори бевосита пробали таҳлил усули билан аниқланди. Натижалар ишончлилигини ошириш учун таҳлил тўртта параллел тортилган миқдорларда бажарилди. Пробали таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилган. Пробали таҳлил маълумотлари бўйича намунада олтиннинг ўртача миқдори 0,46 г/т ташкил этади, намуна чегараларида ушбу кўрсаткич озроқ ўзгаради. Кумуш миқдори ўртача 2,24 г/т ташкил этади.

3-жадвал

Балансдан ташқари намунада олтин ва кумушнинг пробирли таҳлили натижалари

Тортилган руда рақами	Миқдори, г/т	
	Au	Ag
1	0.51	1.85
2	0.36	1.76
3	0.42	2.41
4	0.47	2.28
Ўртача	0.46	2.24

1-расмда олинган натижа янчишнинг турли йириклигида балансдан ташқари маъданнинг донадорлик тавсифи келтирилган.




1-расм. Янчишнинг ҳар хил йириклигида балансдан ташқари маъдан намунасининг донадорлик тавсифи

2-расмда турли йирикликкача янчилган маъданда зарралар очилиши даражаси бўйича халькопиритнинг тақсимланиши ҳақида маълумотлар берилган. Олиб борилган тадқиқотларда шу нарса аниқландики, балансдан ташқари маъдан намунасида олтиннинг йириклиги 10 мкм дан ошмайди, металлнинг асосий масса улуши - 47,13% йирикликнинг 0-2 мкм оралиғида тўпланган.

Чодак конидан олинган дастлабки наъмунадаги ва кекни қайта ишланган маҳсулоти концентратини минералогик таҳлили амалга оширилди. Кек концентрати руда намунасининг аралашган турига киради: а) сульфид; б) магнетит-гематит; в) оксидланган минераллар. Кек концентрати % ларда: пирит ~ 5; арсенопирит ~ 1-3; темир гидроксидлари ~ 3-5; магнетит + гематит ~ 1-2; халькопирит - ноёб белгилар; сфалерит, пирротит ва аргентит - бир белгилар ва иккиламчи гиперген минераллар - борнит, халькоцит, ковеллитдан ташкил топади.



2-расм. Зарралар очилиши даражаси бўйича халькопиритнинг тақсимланиши



3-расм. Турли чуқурликдан олинган наъмуналар таркибидаги олтин ва кумушнинг миқдори

Чиқиндихонанинг 3 қатлаmidан 3 турдаги наъмуналар олинди (усти қатлам 1-2,5 м, ўрта қатлам 4,0-5,5 м, остки қатлам 6,0-7,0 м) ва ҳар бир қатламдан олинган наъмуналарни майдаланган ва майдаланмаган ҳолда гранулометриқ таркибини таҳлил қилинди (3-расм).


Диссертациянинг «Гидрометаллургия усули билан бойитилувчанликни тадқиқ қилишнинг назарий ва амалий асослари» номли учинчи бобида бойитишнинг гравитацияли усуллари билан тадқиқ қилишга «Қалмоққир» кони балансдан ташқари рудалар намунаси киритилди.

Модда таркибини ўрганиш маълумотлари бўйича «Қалмоққир» кони балансдан ташқари рудалар намунасидаги соф олтин миқдори (амальгамация билан ажратиб олинган) 32,56% ташкил этади. Бу қиймат «Қалмоққир» кони рудаларини жорий қайта ишлашга қараганда бир ярим марта кўпдир. Руда таркибида эркин олтиннинг мавжудлиги уни гравитацияли концентратга ажратиб олишни мўлжаллаш имконини беради.

Миснинг уюмда сульфат кислотали танлаб эритмага ўтказиш жараёнини синаб кўриш маъданнинг бирлаштирилган намуналарида ўтказиладиган

бевосита ярим саноатли синовлардан ташқари, технологияларни кейинги ишлаб чиқиш учун зарур бўлган қуйидаги қўшимча технологик тадқиқотларни ўз ичига олади.

Ажратиб олиш босқичида сульфат кислотанинг аниқ сиғимини аниқлаш учун оксидланган маъдан уюмлари композитли намуналарининг кислота сиғимини баҳолаш бўйича синовлар ўтказилди. Ажратиб олиш босқичида кислотанинг аниқ сиғимини аниқлаш намунасининг -20 мм йириклигига нисбатан ўтказилди. Тадқиқотнинг боришида олинган бўтана *pH* даражасининг кислота сарфига боғлиқлиги 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. Эритманинг *pH* даражасини колоннадан чиқишда эритмалар миқдорига боғлиқлиги

Айланадиган барабанда эритмани аралаштиришда маъданни бўлаклашга сульфат кислотанинг мақбул сарфланишини танлаш бўйича синовлар кислота сиғимини ўрганишнинг олдинги синовига ўхшаш ўтказилди. Тажриба учун - 2,0 кг массали тортилган намунадан фойдаланилди.

Синовларни бажариш усулларидаги ўртасидаги фарқ қуйидагилардан иборат:

эритмани аралаштириш эритмали барабанининг доимий айланишида узлуксиз олиб борилди;

барабанга юкланадиган сув миқдори 2,0 л ташкил этди (тестда идишдаги сув юкланиши 0,4 л ташкил этди). Тестни бажаришда намуна янчилиши даражасини камайтириш мақсадида барабанга сув юкланиши ошириб борилди.


Тестни бажаришда олинган кислота сарфланишига бўтана *pH* даражасининг боғлиқлиги 5-расмда берилган.

Сульфат кислота эритмасининг реакциясини кремний оксиди билан ўзаро таъсири билан изоҳланиши мумкин:








ҳалкопирит сиртининг бир қисмини шунга ўхшаш тузилишга эга бўлган темир сульфат (III), $5\text{CuFeS}_2 + 12\text{O}_2 \rightarrow \text{Cu}_5\text{FeS}_4 + 2\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$.





5-расм. Колоннадан чиқишда эритманинг рН даражасининг эритмалар миқдорига боғлиқлиги

Халкопирит эришининг кейинги босқичларида темирнинг эритмага ўтиши сезиларли даражада камаяди ва охириги босқичда темир нисбати эритмадаги жами мисга тўғри келадиган бирликка яқинлашади. Жараён реакциялари:



Тадқиқот қилинган оксидли баланسدан ташқаридаги рудада мис асосан малахит ($\text{CuCO}_3 \cdot \text{Cu}(\text{OH})_2$), Азуриит ($2\text{CuCO}_3 \cdot \text{Cu}_2\text{O}$), Куприт (Cu_2O), Тенорит (CuO), Хризоколла ($\text{CuSiO}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$), Халькопирит (CuFeS_2), темир эса пирит (FeS_2) холида учрайди. Бу оксидлар, хатто сульфидлар сульфат кислотада тўлиқ эритмада III валентли темир сульфат кислотада яхши эрийди ва қуйидаги кимёвий реакция кечади:



Натижада, ҳосил бўлган темир сульфати хатто кам бўлсада оксидли руда таркибидаги халькопиритни тўлиқ эритмага ўтказиши.




Деярли барча жараёнда хаво пуркаб туриш, ёки ҳавонинг жараёнга кириши билан тезлашмоқда, элементар ҳолдаги мис зарраларини сульфат кислота оксидлаб, уни суний тенорит ҳолига ўтказиб беради. Яъни:



гарчан, концентрацияси ошган пайтда табиий ўта майда, майин мис заррачалари билан сульфат кислотали мис сульфатини ҳосил қилади.




Тенорит эса яхши реакцияга киришади.




Қалмоққир кони балансдан ташқари руда намунаси учун техник топширикга мувофиқ, элакли таҳлил ўтказилди. Таҳлил учун махсулотнинг йириклиги -2 мм ташкил этди. Таҳлилни бажаришда ҳар бир синфда олтин, кумуш, мис, молибден, темир, олтингугурт миқдори ва йириклик синфи бўйича уларни тақсимлаш аниқланди.

-2 мм йирикликдаги дастлабки балансдан ташқари намунада элакли таҳлил намуналари бўйича махсулотнинг нотекис тақсимланиши ва уни кўпроқ йирик синфларда концентрациялаш текшириб борилади: -1,7 +0,5 мм синфнинг жами чиқиши 45,5% ташкил этади. -0,5 + 0,02 мм йириклик оралиғида махсулот 2,36 дан 6,35% гача чиқишининг озроқ ўзгариб туриши билан тўлқинсимон тақсимланади. -0,020 + 0 мм шламли синфда -15,05% махсулот чиқишининг анча кескин ўзгариши белгиланади. Донадорлик тавсифи маълумотлари бўйича балансдан ташқари маъдан намунасида олтин миқдори 0,54 г/т ташкил этади ва турли синфларда 0,36 г/т дан 0,92 г/т гача ўзгаради (6-расм).



6-расм. Маъдан намуналарининг йириклик синфига кўра олтин ва кумуш миқдорининг боғлиқлиги



7-расм. Олтин ва кумуш заррачаларининг синфлар бўйича тақсимланиши

Балансдан ташқари руда намунасида олтин учун -0,212 + 0,140 ва - 0,20 + 0 мм йириклик синфларида тақсимланишнинг икки хусусияти кузатилади (7-расм). Йирикликнинг бу синфларида металл концентрацияси даражаси 1,4-1,75 шартли бирликни ташкил этади.

Бойитишнинг аралаш схемалари таркибида марказдан қочирма концентраторлардан фойдаланиш мумкин. Янги эритманинг ағдарма чиқиндиларини бойитишда якуний майдалаб янчишни нодир металлларни ажратиб олишда майдалаб янчишни ҳисобга олган ҳолда, ярим саноат шароитларда аниқлаган мақсадга мувофиқдир. Бойитишнинг 3-босқичидан

сўнг гравитация билан ажратиб олинган олтиннинг умумий миқдори концентратнинг 1,6% чиқишида 24,2% ташкил этди.

«Техноген чиқиндиларни гравитация усулида қайта ишлаш технологиясини яратиш» деб номланган тўртинчи бобда гравитацион бойитиш усуллари - зичлиги, ўлчами ва шакли бўйича фарқ қилувчи минерал заррачаларнинг тортишиш кучи ва қаршилиқ кучлари таъсирида, суюқликлардаги ҳаракат тезлигининг фарқига боғлиқ бўлган усуллари келтирилган. Гравитацион бойитиш тадқиқоти учун ускуна - энг оддий бойитиш ускунаси бўлган, олтин, кумуш ва платина олиш учун ишлатиладиган коцентрацион қўзғалмас шлюз қабул қилинди. Чодак руда бошқармасида 1 миллион 844 минг.т ҳажмдаги Шинавазсой чиқинди сақлаш омбори мавжуд. Қимматбаҳо компонентларнинг таркиби ҳақида батафсил маълумот 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ га қаршли Чодак чиқинди сақлаш омборида жойлашган чиқиндиларни бойитиш

№	Номланиши	Миқдор, минг. т	Олтин		Кумуш	
			г/т	кг	г/т	кг
1	Шинавазсой чиқинди сақлаш омбори (1970-1979 йилларда тўпланган)	1, 844	0,67	1 096,6	13,0	29,9


Чиқиндилардан олтин, платина, палладий ва кумушни олиш учун коцентрацион столлар билан биргаликда қалинлиги 30 мм бўлган тахталардан, узунлиги биттаси 9 м ва 6 м бўлган 2 дона, ён томонларнинг баландлиги 0,2-0,3 м бўлган шлюзлар тайёрланди. Шлюзлар эстакадада тиргакка ўрнатилади. Тадқиқотлардаги шлюзларнинг умумий узунлиги 21 м бўлиб, 3-50 град. бурчак остида ўрнатилади. Шлюзга чиқиндиларни етказиб бериш тўхтатилади ва чўкма концентрат чиқарилади. Трафаретлардан олдин улар 5-10 дақиқа давомида 1,5 ÷ 1,7 м/с тезликда сув оқимида ювилади.

Концентрат олингандан сўнг, шлюз яна мустаҳкамланади ва ишга туширилади, жараён технологик схема бўйича давом этади (9-расм), яъни, олинган концентрат тозалаш учун коцентрацион столга ўтказилади. Тозалашдан сўнг концентрат цианлаш учун юборилади ва чиқиндилар шлюзларга қайта берилади, сўнгра 0,13-0,2 г/т олтин ва 1,3 г/т кумуш бўлган чиқиндилар ағдармага тўпланади.

Концентрат олингандан сўнг, шлюз яна мустаҳкамланади ва ишга туширилади, жараён технологик схема бўйича давом этади (9-расм), яъни, олинган концентрат тозалаш учун коцентрацион столга ўтказилади.


Шундай қилиб, тутиб қолувчи қопламалари билан коцентрацион шлюзларнинг ишлаши даврий жараён ҳисобланади. Олинган концентрат коцентрацион столда тозаланади бойитманинг чиқиши столда 2,35 дан 7,5%, гача, оралиқ маҳсулотнинг чиқиши эса 5,2% дан ташкил қилади. Концентрат ва оралиқ маҳсулотнинг ажралиши 82,0% гача, камбағал таркибли чиқиндиларни бойитиш бўйича тавсия этилган шлюзлар юқори коцентрация даражаси билан тавсифланади.

Бўтананинг куюқ суюқлик нисбатларига қараб бўтана зичлиги ҳам мос равишда ўзгаради.




9-расм. Чиқиндини гравитацион усулда бойитишнинг технологик схемаси

Шлюзнинг ишлаш жараёнига таъсир этувчи омиллардан яна бири шлюзнинг қиялиги ҳисобланади. Шунинг учун шлюз қиялигини ҳар хил қияликда ўрнатиб тажриба ўтказиб кўрилди (10-расм).




10-расм. Қ:С нинг шлюзда бойитилиш жараёнига таъсири



11-расм. Шлюз чиқиндисининг таркибидаги олтин миқдорининг шлюз қиялигига боғлиқлиги

Шлюзларда бойитишда намуна катталиги шлюз қиялиги ва Қ:С ўртасидаги боғлиқликлар қуйдагича олиш мумкин, руданинг йириклиги 15 мм бўлганида Қ:С = 1:4 ёки Қ:С = 1:8, шлюз қиялигини 25 ёки 15 % оралиғида олинди. Агар руданинг йириклиги -0,15 мм бўлса, Қ:С=1:4 ёки Қ:С =1:8 шлюз қиялигини 15 ёки 8% оралиғида олиш мумкин. Юқоридаги назариядан келиб чиқиб тажриба ишлари олиб борилди (11-расм).

Чодак кони чиқиндиларини қайта ишлашнинг технологик схемаси қуйдаги 12-расмда келтирилган.



12-расм. Чодак кони чиқиндиларни қайта ишлашнинг технологик схемаси


Шлюзларда бойитиш пай-тида сув истемоли жуда кенг диапазонда ўзгариб туради. Барча гравитацион бойитиш тажриба-ларда концентратлар

чиқиши 1,5 – 2,0%, олтин таркиби 7,7–8,0 г/т гача, кумуш 25–30 г/т, флотация усулида бойитилганда 25% дан ошмайди. Бу гарчи яхши натижа бўлсада, умумий олтин ажратиб олиш миқдори 50-55% дан ошмаган. Яъни 45-50% олтин яна чиқинди сифатида, ағдарма чиқиндихонасига ташлаб юборилган.

Цианлаш учун Чодак олтин бойитиш фабрикасидаги 40 литрли агитатордан фойдаланиб Қ:С =1:2, 1:3 ва 1:4 олинди. СаО-0,2%, τ- 6,8,12,18 соат, NaCN – 0,1, 0,02, 0,03, 0,05, 0,08 % ларда тажриба ўтказилди ва ҳар 1,5 – 2,0 соатда рН, NaCN концентрациялари текшириб турилди.

Цианлаш пайтида олинган гравиконцентрат d-0,071 мм 70-80 % ни ташкил этди. Аввалги тажрибаларда кумоқлик d-0,071 мм 60-65 % ни ташкил қилган бўлиб 10-12 % олтин эритмага ўтказиш даражаси тушиб кетган эди. Шунинг учун илмий тажриба мобайнида унинг майдалиги цианлаш пайтида катта ахамият касб этганлиги тасдиқланди.

№ 1 намунада Қ:С = 1:1,6, СаО-0,2%, τ- 12, соат, цианли эритмани 0,02; 0,05; 0,08 % даражада олиб борилди. Бироқ олтин ва кумушнинг эритмага ўтиш фоизи 68,4 % ва 37,5 % дан ошмади. Шунда d-0,071 мм 65 % дан 85% гача кўтариб, олинган гравконцентратни тегирмонда 30 мин вақт мобайнида майдаланди, натижада 86 % олтин, 50 % кумуш эритмага ўтказилди. Бироқ бу кўрсаткичлар паст ҳисобланади. Шундан кейин цианлашни 18 соатга кўтарилиб олтинни 92,4 % га, кумушни 73,5 % гача олиб ўтишга эришилди. Циандаги эритма ҳарорати доимий 35-40⁰С ни ташкил этган бўлса, цианид эритмаси 0,08 % энг оптимал меъёр ҳисобланади. Умумий цианлаш кимёвий реакцияси куйидагича кечади:



Асосан NaCN қўлланилади, эритмага ўтиб олтин цианли комплекс бирикма ҳосил қилгач уни Олмалик рух заводидан чиқаётган рух кукуни билан цементация қилинади.

ХУЛОСА

1. Миснинг уюмда сульфат кислотаси ёрдамида уюмли танлаб эритиш орқали мис, олтин ва кумушни эритмага ўтказиш учун кислота сарфининг оптимал миқдори 10-14 кг/т ни ташкил этиши аниқланди.

2. Қалмоққир кони балансдан ташқаридаги рудалар уюмидаги мис эритмага ўтказилгач, ундаги олтин ва кумушни гравитация усули билан қайта бойитиш ва тозалаш тавсия этилди.

3. Чодак олтинни қайта ишлаш заводи чиқиндиларининг минералогик, кимёвий ва фазавий таркибида олтин ва кумушнинг ўртача 70% га яқини цианлаш йўли билан олиниши аниқланди.

4. Олтиннинг 3 турдаги маҳсулоти, 4,4 г/т дан 12,88 г/т гача бўлган концентрат, ҳамда 0,6 г/т дан 4,7 г/т гача бўлган оралик маҳсулот ва 0,2- 0,5 г/т олтин миқдори бўлган чиқинди олиниши аниқланди.

5. Гравитацион бойитишда чиқиндиларни цианлаш йўли билан ажратилиши орқали Au-91,84%; Ag-64,81%, цианидланган қолдиқларда Au

миқдори 0,30 г/т; Ag 5,83 г/т атрофида олиниб, олтин цианлашдан кейин асосан қолдиқларда сульфидларда кам тарқалган ҳолда ва металл қолдиқли кўринишида қолиши аниқланди.

6. Қолдиқ маҳсулотларни 0,071 мм дан кам бўлган заррача ҳажмини 82% дан ортиқ майдалаш тавсия этилди.

7. Чодак кони чиқиндиларни гравитацион бойитиш натижасида коцентрат ва оралиқ маҳсулот 2,5 - 4 г/т олтин ва 18 - 22 г/т кумуш олинди, чиқиндида 0,13- г/т олтин ва 1,3 г/т кумуш қолиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

КАРШИНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ХАКИМОВ КАМОЛ ДЖУРАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА И РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ
ТЕХНОЛОГИИ ПЕРЕРАБОТКИ ТЕХНОГЕННЫХ ОТХОДОВ ГОРНО-
МЕТАЛЛУРГИЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Metallургия черных,
цветных и редких металлов (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2021.1.PhD/Т2093 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Каршинском инженерно-экономическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.gupft.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Хасанов Абдурашид Солиевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Камолов Турсунбой Очилович
доктор технических наук

Шарипов Хасан Турабович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

**филиал Национального исследовательского
технологического университета «МИСиС»
в г. Алмалык**

Защита диссертации состоится «03» февраля 2022 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019. К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: www.gupft.uz), в здании «Фан ва тараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (зарегистрированный номером №33). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73).

Автореферат диссертации разослан «19» января 2022 г.
(протокол реестра №33 от 13 декабря 2021 г.)



С.С. Негматов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, академик АН РУз, д.т.н., профессор

М.Э. Икрамова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

А.М. Эминов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня во всем мире стратегия развития XXI века называется «Суть устойчивого развития», что означает, что экономическое развитие осуществляется без нарушения устойчивого баланса биосферы, без нарушения естественного климата и развивающейся среды. В этом аспекте, антропогенные отходы рассматриваются как проблема, препятствующая устойчивому развитию мировой экономики и как ведущие предприятия, образующие техногенные отходы, наиболее быстро развивающимся сектором цветной металлургии является медная, золотая и серебряная промышленность. В связи с этим важное значение имеет разработка и внедрение технологии извлечения цветных и редких металлов из техногенных отходов.

В мире на действующих предприятиях в широком масштабе проводятся исследования по разработке технологии переработки техногенных отходов. В настоящее время особое внимание уделяется на усовершенствование технологии переработки золота и серебра в процессе обогащения гравитационным методом. В этом аспекте, в практике горно-металлургической промышленности уменьшение содержания ценных компонентов в составе техногенных отходов и извлечение золота, серебра и других драгоценных металлов имеет особое значение.

В Республике проводится ряд мероприятий с целью комплексного извлечения всех ценных компонентов из минерального сырья горно-металлургической промышленности, в частности техногенных отходов, и достигнуты определенные результаты. В четвертом пункте программы Стратегических действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по «... вывести отрасль на качественно новый уровень, глубокая переработка местного сырья, ускорение производства готовой продукции, разработка новых видов продукции и технологий ...»² поставлены важные задачи. В этом аспекте важную роль играют исследования, направленные на создание и совершенствование новых технологий извлечения редких металлов из техногенных отходов АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат».

